

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
1.	Тўлик:	“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки					
	Қисқартирилган:	“Микрокредитбанк” АТБ					
	Биржа тикерининг номи:*	МСВА					
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
2.	Жойлашган ери:	100096, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 14 уй					
	Почта манзили:	100096, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 14 уй					
	Электрон почта манзили:*	info@mikrokreditbank.uz					
	Расмий веб-сайти:*	www.mikrokreditbank.uz					
МУҲИМ ФАКТ ТўҒРИСИДА АХБОРОТ							
Муҳим фактнинг рақами:		06					
Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар					
Умумий йиғилиш тури:		Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши					
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:		27.03.2020 й.					
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		05.04.2020 й.					
Умумий йиғилиш ўтказилган жой:		Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 14 уй.					
Умумий йиғилиш қворуми:		98,47%					
Т/р	Овозберишга қўйилган масалалар	Овозбериш қўнунлари					
		ёқлаш		қарши		бетарафлар	
		%	сони	%	сони	%	сони
3.	1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.	100	1 513 702 585	0	0	0	0
	2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки устав капитали миқдорини ва эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш.	100	1 513 702 585	0	0	0	0
	3. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорига ўзгартиришлар киритиш ва Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар матнини тасдиқлаш.	100	1 513 702 585	0	0	0	0
	4. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.	100	1 513 702 585	0	0	0	0
	5. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Қузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Бошқаруви тўғрисида”ги низомларини тасдиқлаш.	100	1 513 702 585	0	0	0	0
	6. Банк балансида ўтган йиллар давомидаги умидсиз қарзларни ёпиш эвазига юзага келган молиявий натижани ҳисобдан чиқариш тўғрисида.	100	1 513 702 585	0	0	0	0
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							
1.	1.1. Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.						
2.	2.1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали миқдори 1 641 728 456 172 (бир триллион олти юз қирқ бир миллиард етти юз йигирма саккиз миллион тўрт юз эллик олти минг бир юз етмиш икки) сўмни ташкил қилганлиги ва номинал қиймати 1 068 (бир минг олти миш саккиз) сўм бўлган 1 537 063 929 (бир миллиард беш юз ўттиз етти миллион олти миш уч минг тўққиз юз йигирма тўққиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 135 000 (бир юз ўттиз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборатлиги тасдиқлансин.						
	2.2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 1068 (бир минг олти миш саккиз) сўмлик 936 329 589 (тўққиз юз ўттиз олти миллион уч юз йигирма тўққиз минг беш юз саксон тўққиз) дона умумий қиймати 1 000 000 001 052 (бир триллион бир минг эллик икки) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборат қилиб белгилансин.						
3.	3.1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг аввал Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 2019 йил 4 декабрда P0005-26-сон билан рўйхатга олинган Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорига жойлаштирилмаган 150 000 002 988 сўмлик 140 449 441 дона акцияларни бекор қилиш учун 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.						
	3.2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг аввал Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 2019 йил 4 декабрда P0005-26-сон билан рўйхатга олинган Акциялар қўшимча						

	<p>чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар матни тасдиқлансин.</p> <p>3.3. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви зиммасига аввал рўйхатдан ўтказилган Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор киритилаётган ўзгартиришларни Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигида қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш бўйича ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.</p>
4.	<p>4.1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Уставига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.</p> <p>4.2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг янги тахрирдаги Устави тасдиқлансин.</p> <p>4.3. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви зиммасига банкнинг янги тахрирдаги Устави Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш бўйича ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.</p>
5.	<p>5.1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Бошқаруви тўғрисида”ги низомларига 4-6-иловаларга мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.</p> <p>5.2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг янги тахрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Бошқаруви тўғрисида”ги низомлари тасдиқлансин.</p>
6.	<p>6.1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгашининг Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 32-моддасига асосан банк балансида ўтган йиллар давомида юзага келган 76 178 292 118,92 сўм зарарнинг 18 028 771 367,87 сўмлик қисмини банкнинг умумий захира фондида мавжуд маблағлар ҳисобидан қоплаш, зарарнинг қолган 58 149 520 751,05 сўмлик қисмини қоплаш масаласи 2020 молиявий йил натижалари бўйича кўриб чиқиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.</p> <p>6.2. Банк Бошқаруви (О. Бутаев) зиммасига:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- банкнинг ўтган йиллар давомида юзага келган зарарини захира фонди ҳисобидан қоплаш бўйича ўтказмаларни амалга оширишда амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилишини;</li> <li>- банкнинг захира фонди миқдори камайишининг мақсадлари ва сабаблари 2020 йил якунлари бўйича ташқи аудитни ўтказувчи аудиторларга ҳамда рейтинг ташкилотларига тўлиқ ва тўғри тушунтирилишини;</li> <li>- банкнинг захира фонди амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ шакллантирилиши мақсадида тасдиқланган Бизнес-режа параметрлари бажарилиши билан боғлиқ барча зарурий чораларни кўриш;</li> <li>- банкнинг захира фондининг ҳисоби амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўғри юритилишини мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўрганиб чиқиш ва ўрганиш натижаси юзасидан банк акциядорларига ахборот киритиш вазифалари юклатилсин.</li> </ul>

**Бошқарув раиси ўринбосари**

**А.К.Низамов**

**Бош бухгалтер**

**И.Р.Тайлаков**

**Веб-сайтада ахборот  
жойлаштирган ваколатли шахс:**

**Ю.З.Ашуров**